# ЖАҲОН 24 соат ичида

## «Қора қутилар»дан дарак йўқ

***Атлантика океанининг "Air France" авиакомпаниясига тегишли "А 330-200" самолёти ҳалокатга учраган жойида қидирув ишлари давом эттирилмоқда.***



"Associated Press" ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳозирга қадар ҳаво лайнери бортида бўлган йўловчилардан 50 нафарининг жасади топилган, самолётнинг 400 дан ортиқ парчалари сув остидан олиб чиқилган. Бироқ ҳамон "қора қутилар"дан дарак йўқ. Мутахассислар яқин кунлар ичида уларнинг ҳам топилишига ва воқеа тафсилотлари бўйича сўнгги хулосани чиқаришга умид билдиришмоқда. Шу чоққача олиб борилган қидирув ишлари самараси ўлароқ, анча-мунча нарсалар қўлга киритилди.

## Таъминотдаги муаммо

***Электр узатиш тизимида юзага келган муаммолар туфайли Покистоннинг Карачи шаҳрида истиқомат қилувчи қарийб бир миллион аҳоли электр таъминотидан бебаҳра қолган.***

Бунга "Karachi Electric Supply" корхонасида юзага келган муаммолар сабаб бўлган. Хусусан, муассасанинг эскириб кетган аксарият технологиялари катта кучланишларга дош беролмаяпти. Натижада ҳудудни узлуксиз равишда электр энергияси билан таъминлаш кундан-кунга қийинлашиб бормоқда. Мамлакат энергетика вазири Ража Ашраф эса бу ҳолатга изоҳ бераркан, узилиш жузъий камчиликлар туфайли юзага келганини билдирди.

## Суриштирув давом этади

***Нигериянинг Кано шаҳрида Украинага тегишли самолёт қўлга олинди, дея хабар тарқатди "Thisday Online".***



Маълумотларга қараганда, ҳаво лайнерида 18 қути қурол-яроғ жойланган бўлиб, бу юк Малабо (Экваториаль Гвинея пойтахти) шаҳрига олиб кетилаётган экан. Аммо юзага келган носозлик туфайли у зудлик билан Кано шаҳрига қўндирилди. Текширув пайтида эса қурол-яроғ ноқонуний тарзда олиб кетилаётганлиги гумон қилинди. Шу боис самолёт бортида бўлган тўрт киши (икки нафари учувчи) ҳибсга олиниб, ушлаб турилибди. Улар қайси давлат фуқаролари эканлиги айтилмаган.

Воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## Ўзаро келишувга эришди

***Хитойнинг "Geely Automotive" компанияси "Ford" (АҚШ) концернига тегишли "Volvo" савдо белгисини сотиб олмоқчилигини маълум қилди.***

Бу ҳақда маҳаллий "National Business Daily" нашри хабар тарқатди. Томонлар ўзаро келишувга эришишган ва дастлабки шартномани имзолашган. "Geely Automotive" барча расмиятчиликлар тугаши билан мамлакатнинг Гуанчжоу музофотидаги Дунгуань шаҳрида янги завод қурилишини бошлашни режалаштирган. Бу ерда "Volvo XC90" машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Келишув суммаси ҳақида маълумотлар ошкор қилинмаган. Экспертларнинг баҳолашича, бу харидга 3 миллиард АҚШ долларидан кам маблағ сарфланмайди.

Эслатиб ўтамиз, сал олдинроқ Хитойнинг "Sichuan Tengzhong Heavy Industrial Machinery" компанияси АҚШнинг бошқа бир савдо белгиси саналган "Hummer"ни сотиб олмоқчилигини билдирганди. Қиймати 500 миллион АҚШ долларига баҳоланаётган ушбу харид жорий йилнинг кузида амалга ошиши кутилмоқда.

## Синов ўтказилиши мумкин

***Шимолий Корея жорий йилнинг июль ойи бошларида навбатдаги баллистик ракеталарни синовдан ўтказиши мумкин, дея ёзади Япониянинг «Йомиури шимбун» газетаси.***



Япония Мудофаа вазирлиги нуқтаи назарига кўра, айни пайтда «Тхэпходонг-2» номли катта радиусли ракета мамлакат шимоли-ғарбидаги Донгчанг-Ли полигонида учиришга шайлаб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, сўнгги пайтларда Шимолий Кореянинг ҳарбий фаоллиги анча ошган. Жумладан, май ойи охирида Пхеньян ер ости ядровий қуроли ва кичик радиусли бир нечта ракеталарини синовдан ўтказганди. Бу нафақат қўшни давлатлар тинчлигига рахна солди, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам жиддий норозилигига сабаб бўлди. Натижада БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мазкур давлатга нисбатан қўшимча кескин чоралар кўрилишини билдирди.

## Ўз-ўзига кўмак

***Буюк Британиянинг "British Airways" авиакомпанияси 40 минг нафар ходимига ойига бир ҳафтадан текинга ишлаб беришни сўраб, мурожаат қилган.***

Авиакомпания бош директори Уилл Уолшнинг айтишича, шу йўл билан муассасани инқироз талафотларидан қисман бўлса-да, сақлаб қолиш мумкин. "British Airways"нинг бундай йўл тутишига жорий йилнинг май ойида кўрилган зарар миқдорининг юқори экани (401 миллион фунт стерлинг) сабаб бўлган. Хизматчилар ушбу мурожаатга ижобий муносабат билдиришди, дея ёзади "British Airways News" нашри.

Олдинроқ авиакомпания иш ўринлари сонини тўрт мингтага қисқартириши ҳақида маълум қилганди. Унинг учувчилари йилига 107,6 минг, борт кузатувчилари эса 26,9 минг фунт стерлинг маош олишади.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилаётганлиги, ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беришини алоҳида таъкидлади.***

## *«Қаршимебель»:*

# ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Буни "Қаршимебель" масъулияти чекланган жамияти фаолиятида яққол кузатиш мумкин.

Ушбу жамоа Қашқадарё вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида биринчи бўлиб "ИСО 9001:2008" сифат менежменти тизимини жорий этиш ишларига киришди. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш техник жиҳатдан қайта қуроллантирилаётгани ҳамда технологик жараёнларнинг тобора замонавийлашиб бораётганидан далолат бермоқда. Зеро, мазкур жамият бугунги кунда мебель ишлаб чиқариш соҳасида воҳада етакчилик мавқеини эгаллаган. Шу боис унга йирик ва нуфузли корхоналар жамоалари ҳам ҳавас билан қарашмоқда.

2008 йил давомида 1 миллиард 348 миллион 670 минг сўмлик сифатли, бежирим ва буюртмачилар дидига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга эришган меҳнат аҳли эндиликда 70 турдаги мебель тайёрлашга эришаяпти. Бу ерда дастлабки йилларда 9 киши меҳнат қилган ва фақат стуллар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлса, ҳозир 40 нафарга яқин киши мунтазам иш ўрнига эга.

2005 йилдан бошлаб корхонада маҳаллий хом ашё — ёнғоқ ва чинордан қаттиқ ва юмшоқ мебеллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 28 майдаги "2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қароридан сўнг ушбу йўналишдаги ишлар барқарор тус олди.

— Биз Маҳаллийлаштириш дастури доирасида мактаб, лицей ҳамда коллежлар учун ўтган йили 1 миллиард сўмлик турли мебеллар тайёрлаб, буюртмачиларга ўз вақтида етказиб бердик, — дейди жамият раиси Саломат Комилова. — Эътиборли жиҳати, ана шу дастурга киритилган корхонага берилган турли имтиёзлар туфайли якунланган йилда 37 миллион сўм маблағ иқтисод қилинди.

**Модернизация**

Бу маблағлар, ўз навбатида, модернизация жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига сарфланмоқда. Солиқ юкининг янада камайтирилиши, микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, жорий йилдан бошлаб 7 фоизга туширилиши, уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши эса тадбиркорликнинг барқарор тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Жорий йилда биз Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2 миллиард 400 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Шу ниятда корхонани модернизациялаш бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқдик. Жумладан, Хитой давлатидан мебель саноатида ишлатиладиган 39,4 минг АҚШ долларилик 14 та замонавий дастгоҳ келтирилди. Улар қўл меҳнатини камайтириш, шу билан бирга, иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда.

2000 йилдан буён корхона республика Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари томонидан ўтказиб келинаётган тендер савдоларида ҳам фаол иштирок этиб, ўқув мебеллари ишлаб чиқармоқда. Хусусан, 2005 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ташкил этилган тендер танловларида жамият Сурхондарё вилояти бўйича ғолиб деб топилган эди. Бинобарин, жамоа бу ишончни оқлаб, сурхондарёлик буюртмачиларга ўша йили 221 миллион сўмлик, 2006 йилда 526 миллион сўмлик, 2007 йилда 794 миллион сўмлик, 2008 йилда эса 1 миллиард 50 миллион сўмлик мактаб жиҳозларини ўз вақтида етказиб берди.

— Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларини мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида ўтказилаётган бу йилги тендер савдоларида ҳам иштирок этаяпмиз,— дея сўзини давом эттиради Саломат Комилова. — Унда биз 3,4 миллиард сўмлик маҳсулотларимизни таклиф қилганмиз. Чунки корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб, сифат ва самарадорликка эришаяпмиз.

Дарҳақиқат, "Қаршимебель" юксалиш пиллапояларидан дадил одим ташламоқда. Бугунги кунда корхонада халқ истеъмоли моллари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, офислар ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига мўлжалланган мебель ва бошқа жиҳозлар ҳам тайёрланаяпти. Мебелларнинг кўриниши, дизайни, сифати ва ранги ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётганларидан сира қолишмайди. Айни пайтда жамоада ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва келгусида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш бўйича бир қатор лойиҳалар устида ҳам иш олиб борилмоқда. Буларнинг бари келгусида жамоа нуфузи ва обрўси янада юксалишидан далолат беради.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

# КОРХОНАЛАР МУТАХАССИСЛАРГА МУНТАЗИР

***Мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларида бугун энг сўнгги ўқув-услубий воситалар ёрдамида ёшларга илму ҳунар сирларини ўргатиш, амалий машғулотлар жараёнини самарали йўлга қўйишга асосий эътибор қаратилаётир.***

Навоий вилоятида ҳам бу борада амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарадорлиги билан диққатни тортади. Жорий йилда 12026 нафар ўқувчи ҳудудда фаолият кўрсатаётган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлади. Ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш борасида мутасадди идоралар ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилганлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, савдо-саноат палатасининг ҳудудий идораси ҳамда халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан битирувчилар бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

**Таълим**

Таъкидлаш жоизки, коллежлар ҳудуддаги 19 та йирик ишлаб чиқариш ташкилоти, саноат корхоналари ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот" ОАЖ, "Қизилқумцемент" ОАЖ, Навоий иссиқлик тармоқлари ҳамда "Электркимё", "Навоийдонмахсулотлари" корхоналари билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари, кейинчалик ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича ўзаро манфаатли алоқалар олиб борилаётир.

Ёшлар орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, жорий йилги битирувчилардан 4437 нафари эгаллаган касби бўйича фаолият юритиш, 1020 нафари бошқа касб билан шуғулланиш, 652 нафари муайян йўналишларда бизнес бошқарувини йўлга қўйиш, 4082 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш, 993 нафари ҳарбий хизматда бўлиш истагини билдирди. Хуллас, шу асосларда ҳудудда битирувчиларнинг умумий бандлик даражаси 97 фоизни ташкил этишига эришиш мумкин. Яна ҳам аниқроғи, ёшлар орасида ишсизлик муаммоси бўлмайди.

Битирувчиларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш мақсадида "Микрокредитбанк" АТБнинг вилоят филиали, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, бугунгача ўқувчиларнинг 18 нафари тикувчилик, чорвачилик, паррандачилик, дурадгорлик каби соҳаларда фаолият бошлаш учун 33,8 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлди.

Энг муҳими, ишчан, билимли ва ташаббускор бундай ёшлар иқтисодиётимизни юксалтиришга, эл манфаатлари ва юрт тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилишга бел боғлашган.

**Баҳодир СОБИРОВ,**
**Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**

**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети**

2009/2010 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентлар қабул қилишини эълон қилади:
- машинасозлик технологияси;
- автомобиль инжиниринги;
- саноат ва аҳоли қурилиши инжиниринги;
- архитектура ва саноат дизайни;
- саноатда ахборот технологиялари ва АБТ;
- энергетика.

**Университетда ўқитиш инглиз тилида олиб борилади.**

Ҳужжатлар 2009 йил 15 июндан 1 июлгача Тошкент Ахборот технологиялари университетида қабул қилинади (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй).

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича: математика (тест), физика (тест), логика (тест), инглиз тили (суҳбат ўтказиш) 5-17 июль кунлари ўтказилади.

Турин политехника университети томонидан 1 июндан Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги олий таълим муассасаларида тайёрлов курслари ташкил этилади:

- Тошкент шаҳри, ТДПУ, ТАЙИ
- Тошкент вилояти, ТВДПИ
- Андижон вилояти, АндДУ
- Фарғона вилояти, ФарДУ
- Наманган вилояти, НамДУ
- Бухоро вилояти, БухООЕСТИ
- Хоразм вилояти, УргДУ
- Қорақалпоғистон Республикаси, ҚДУ
- Навоий вилояти, НавДПИ
- Қашқадарё вилояти, ҚаршДУ
- Сурхондарё вилояти, ТермДУ
- Сирдарё вилояти, ГулДУ
- Жиззах вилояти, ЖизДПИ
- Самарқанд вилояти, СамДУ

**Битирувчиларга Италия Республикаси Турин политехника университети дипломи берилади.**

**Телефонлар: 267-71-51, 267-71-60. www.polito.uz**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

## Улар Сиднейга боришади

***Андижонлик Абдуфаттоҳ Йўлдошев ва Алишер Нормирзаев Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида ғолибликни қўлга киритдилар.***

Ҳар иккала оғир атлетикачи жорий йилнинг октябрь ойида Австралиянинг Сидней шаҳрида ташкил этиладиган фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилиб қўйдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Чуст педагогика коллежи ўқувчиси Бургут Ҳожибоев эндигина ўн олтига тўлаяпти. У мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, иқтидорини намойиш этаётган ёшлардан биридир.***

## Уч карра чемпион



Саккиз ёшлигидан бокс билан шуғуллана бошлаган Бургут тумандаги 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратини оширди. Болалик чоғидаёқ мамлакат биринчиликларида иштирок этиб, уч бор чемпионлик мақомига эришди. Жорий йилдан эса у халқаро майдонларда ҳам кучини синаб кўраяпти. Жумладан, Боку шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғолиблик шоҳсупасига чиқиб, олтин медални қўлга киритган эди. Ўтган ҳафта Арманистон пойтахти Ереванда ўн олти ёшгача бўлган боксчилар ўртасида ташкил этилган жаҳон биринчилигида 50 килограммгача вазндаги спортчилар баҳсида рингга тушиб, фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлди ва она-юртига навбатдаги ютуқ — бронза медали билан қайтди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**
**2009 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**
**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**
**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 26 июнь куни соат 17.00 гача.**

Испаниянинг «Semillas FITO» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили




**Испаниядан келтирилган серҳосил МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИНИ таклиф қилади.**
*Уруғлар иккиламчи экин экиш учун мўлжалланган.*
Маълумот учун тел.: **257-44-01, 257-44-03.**
Факс: **257-58-61.**
Моб.: **313-83-13.**

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
**а также:**
товар сертифицирован форма оплаты-любая
**КАФЕЛЬ**
(облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА**
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73**
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



FIAT GROUP
NEW HOLLAND TL5060
TEL.: 120 60 97 - 120 89 58
NEW HOLLAND AGRICULTURE
СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ – БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

**Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:**
- **қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;**
- **барча пайвандлаш хизматлари;**
- **мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.**

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Физика факультети Астрономия кафедраси профессори Шуҳрат Эгамбердиевга падари бузруквори

**АБДУМАННОП отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти Шерзод Мустафақуловга опаси

**Лобар МУСТАФАҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси масъул ходим Ҳасанжон Мамажоновга отаси

**Зоиржон МАМАЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Ёшлик — энг гуллаган чоғимда

Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади.

**Ислом КАРИМОВ**

*Ёшлик шижоат демакдир. Бугуннинг ёшлари қатъий шашт ила, беғубор орзу-ниятларни дилга жо этган ҳолда, камолот йўлларида дадил одимламоқдалар. Уларнинг интилувчанлиги кўнгилларда фахр-ифтихор уйғотади.*



«Озод юртнинг бахтиёр фарзандларимиз!»

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

*Зеро, ана шундай ғайратли, ёрқин салоҳиятли ёшлар бор экан, Ватанимиз, халқимиз истиқболи ҳам ишончли ва порлоқдир.*

*Қувонарлиси, тинмай ўқиб-изланаётган, турли жабҳаларда меҳнат қилаётган, юртимиз ва жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли тадбирларда куч ва иқтидорини намоён этаётган йигит-қизлар ҳозирнинг ўзидаёқ жамиятдаги ҳал қилувчи куч эканликларини исботламоқдалар.*

*Бугунги саҳифамиз кўзгусида мана шундай ёшларнинг дилидаги мақсад-ўйлар, орзу ва ниятлар, мулоҳазаю мушоҳадалар акс этган.*

## Фахр




**Ўтган йили Тошкентда ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида учкўприклик 5 нафар ўқувчи мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг ҳаммаси олимпиада совриндорлари сафидан ўрин эгаллашди.**

# Учкўприклик истеъдодлар

Бу ютуқ бошқа ўқувчиларнинг ҳам қалбига чўғ ташлади. Жорий йилги фан олимпиадасининг туман босқичида 17 та фан йўналиши бўйича 4500 нафар ёш ўзаро куч синашди. Баҳслар, мунозаралар ғоят кескин, муросасиз йўсинда ўтказилди. Қатнашчиларнинг фақат 50 нафарига ғолиблик насиб этди. Энди улар олимпиаданинг вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилишади.

Қишлоқ ўқувчиларининг шаҳарлик тенгқурлари ҳам ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришишлари учун мустаҳкам асос мавжуд. Ўқитувчи-мураббийлар тинмай изланишади, таълимда илғор педагогик усуллар мунтазам қўлланмоқда. Бу борада устозлар ўқувчиларга ибрат ва намуна кўрсатишяпти. Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчилари Зебохон Исоқова ва Сабохон Аҳмадалиева Япониянинг Осака ҳамда Хитойнинг Шанхай шаҳарларида ўтказилган "Таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш" мавзуидаги халқаро илмий анжуманда иштирок этиб, маъруза ўқишди.

Яқинда Учкўприк узра яна бир қувончли хабар тарқалди. 12-мактаб ўқувчиси Зикрилло Маматқулов енгил атлетика бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро турнирда Осиё чемпиони деган номни қўлга киритди.

Буларнинг барчаси чекка қишлоқларда иқтидорли йигит-қизлар сафи ортиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

> "Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир".



# Кўзга айланган кўнгил

## Сабот

Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида ёшларимизга қарата айтган мазкур қанотбахш сўзлари олам-олам эзгу орзулар сари интилаётган, ўқиб изланаётган, жамиятнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган минг-минглаб ёшларни бемисл даражада руҳлантириб юборди.

Ўзбекистон Миллий университети талабаси Дилдора Оқбўтаева ҳам ана шундай ёшларимиздан биридир. У билан суҳбатлашсангиз, Президентимизнинг халқни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этгувчи сўзларини ёддан билишига, ниҳоятда зийрак ва билимдон эканлигига тан берасиз. Тақдирни қарангки, шундай оқила қизнинг кўзлари ожиз. Аммо Дилдоранинг иродаси бақувват, у кўргиликдан тушкунликка берилмайди. Аксинча, ўз устида тинимсиз ишлаш, ўқиб-ўрганиш билан бир қаторда шеър ва ҳикоялар ҳам машқ қилиб туради. Қолаверса, бу қизнинг куй-қўшиққа ҳам меҳри бўлакча — чиройли хониш қилади.

— Юртимизда ўқиб-ўрганиш, иқтидоримизни кенг намоён этиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Дилдора. — Бу имкониятлардан ҳар биримиз унумли фойдаланиб, эл-юрт корига ярайдиган, буюк келажакка муносиб мутахассислар бўлиб етишмоғимиз шарт. Президентимизнинг ёшларга эътиборидан, бизни фарзандим, деб ардоқлашларидан руҳланиб яшаётган ҳар бир тенгдошимиз бугун меҳнати ва ҳаракати бесамар кетмаётганини яхши англайди.

...Дилдорани газета таҳририятларида кўп учратамиз. Билсак, у газетачилик, маҳоратли журналистлар иши билан танишишни хуш кўрар экан. Унинг бу қизиқиши ўз самарасини берди ҳам. Дилдора истиқлолимизнинг ўн олти йиллиги арафасида юртимиз ёшларига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб ёзган шеър ва мақолалари учун "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловида совриндорлардан бирига айланди.

— Биз, Ўзбекистон ёшлари Президентимизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак, камлик қилади, — дейди у. — Шукрки, беқиёс ғамхўрлик туфайли мен сингари ўғил-қизларнинг ҳам усти бут, қорни тўқ. Аммо инсон меҳрга тўймас экан. Гоҳи-гоҳида қалбимни бир армон ўртайди. У ҳам бўлса, дадамнинг ёнимизда эмаслиги. Дадам синглим иккимизнинг кўзларимиз ожиз бўлиб дунёга келганимиз боис ташлаб кетган экан. Яқинда у кишининг дарагини эшитиб, минг илтижолар билан телефон орқали гаплашдим. "Дадажон, келинг, бирга яшайлик, сиздан хафа эмасмиз, бизга сизнинг оталик меҳрингиздан бўлак ҳеч нарса керак эмас", дея зорландим. Шунча йил кутганим — дадажонимнинг овозларини эшитиш бахтига мушарраф бўлганимдан таъсирланиб шеър ҳам ёздим.

Дилдора шундай дея бизга шеърини ўқиб берди.

— Бизни бир парча этлигимиздан тарбиялаб вояга етказган онаизорим олдида умрбод қарздормиз, — дейди Дилдора Оқбўтаева. — Бу қарзни узиш учун, онам орзу қилганидек ўқимишли, эл корига ярайдиган одам бўлишни мақсад қилганман. Етук мутахассис бўлишим учун, боя айтганимдек, барча имкон ва шарт-шароит бор. Меҳр-оқибатли халқимизнинг эзгу ишларини қалб кўзим билан кўриб, ҳис этаман. Бундайин саховатпеша эл бағрида яшашнинг ўзи бир неъмат. Меҳрибон Юртбошимиз, бебаҳо Ватанимиз бор экан, ёшлар ҳамиша камол топади, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

## Буюклар ёди

**Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур болалигиданоқ илмга қизиқувчанлиги, тенгсиз истеъдоди, ўткир зеҳни ила тенгқурлари ҳамда бошқа темурий шаҳзодалар орасида алоҳида ажралиб турарди.**

# БЕҚИЁС ЗАКОВАТ СОҲИБИ

Мирзо Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Болалик йиллари фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фиқҳ илми, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарларни мутолаа қилади. Илм-фанга, шеъриятга қизиқа бошлайди. Элу халқ ёш шаҳзодани довюраклиги, жасурлиги, қатъияти боис "Бобур", яъни "Шер" деб атай бошлаган.



Ўн икки ёшида тахтга ўтирган Мирзо Бобур учун салтанатдаги парокандаликни изга солиш осон кечмади. Айни ўша кезлар, яъни ўн бешинчи аср охирларида Мовароуннаҳр низолашаётган темурий шаҳзодалар, мулкдор зодагонлар бошчилик қилаётган ва деярли мустақил бўлиб олган кўпдан-кўп вилоятларга парчаланиб кетганди. Тахт учун кураш авж олган, турли сиёсий фитналар уюштирилмоқда эди. Бундай вазиятда беку аъёнларнинг ёш ҳукмдорга бўйсуниши амри маҳол бўлса-да, аммо Бобур ҳали ёш бўлишига қарамай, бек ва амалдорлар билан муносабатларни изга солиш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларига бош-қош бўлишда барчага ибрат бўлди. Бунда унинг ақл-заковати, фаҳму фаросати, чуқур мушоҳада юритиб, узоқни кўзлай олиши қўл келди.

Ёш ҳукмдорнинг асосий мақсади парокандаликка чек қўйиб, бобоси Амир Темур давридагидек марказлашган давлат тузиш ва юртни обод қилиш эди. Шундай аҳд билан у илк бор Самарқандга юриш қилганида ўн икки ёшда бўлиб, гарчанд бу ҳаракати наф келтирмаган эса-да, ёш саркарда келгусидаги фаолиятида асқотадиган тажрибага эга бўлганди. Зеҳни ўткир саркарда, ниҳоят, ўн тўрт ёшида Самарқанд атрофидаги бир қанча ерларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди.

Мирзо Бобур йигирма бир ёшида Афғонистонга ўтишга мажбур бўлади. Бу ерлардаги бир неча шаҳарларни ишғол қилгач, юртда тинчлик-осойишталик ўрнатилади. Шу боис халқ уни одил ҳукмдор деб тан олган, ёш ҳукмдор эларо обрў-эътибор қозонганди.

Йигирма тўрт ёшида Ҳиндистонга юриш бошлаган Бобур бир неча бор муваффақиятсизликка учраган бўлишига қарамай, ўз аҳдидан қайтмайди. Ниҳоят 1526 йили Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик аскарини тор-мор қилиб, Деҳлини эгаллайди. Ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, мамлакатни обод қилади, ички низоларга барҳам бериб, марказлашган давлатни мустаҳкамлайди.

Бобур Мирзо қисқа умр кўрган бўлса-да, асрларга татигулик улуғ ишларнинг уддасидан чиққан буюк шахсдир. Ул зот фақатгина ҳарбий юришлар, ҳукмдорлигу сиёсий юмушлар билан эмас, илм-фан, шеърият ва адабиёт билан жиддий шуғулланган ва олиму фозилларга ҳомийлик қилган маърифатли инсон ҳам эди. Улуғ аждодимиз машҳур "Топмадим" радифли ғазалини битганида, "Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши" мисраси билан бошланувчи рубоийсини ёзиб, аҳли ижодни ҳайратга чулғаганида 18-19 ёшларда эди. Шеърий асарларига тартиб бериб, девон тузганида, "Бобурнома"да ёзилишича, эндигина ўттизни қаршилаган навқирон палласи бўлган. Дарвоқе, улуғ алломанинг жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан саналмиш "Бобурнома" асарини ёза бошлаган кезлари ҳам айни шу ёшига тўғри келади.



***Жорий йилда В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари жаҳон миқёсида ўтказилган қатор нуфузли фестивалларда юксак поғоналарни забт этишди. Хусусан, Францияда бўлиб ўтган А. Скрябин номидаги 9-Халқаро пианиночилар танловида истеъдодли ўқувчилардан бири Андрей Бреславец 1-ўринга муносиб деб топилди. Германиянинг Веймар шаҳрида ўтказилган Ф. Лист номидаги 2-Халқаро ёш пианиночилар танловида эса Артём Пакнинг ижроси юқори баҳоланди. Асқар Салимжонов ва Эдуард Рутка Киев шаҳрида бўлиб ўтган "XXI аср санъати" торли чолғулар бўйича ёш ижрочилар халқаро танловида ғолибликни қўлга киритишди.***

# ҒАЛАБА — ШИЖОАТЛИЛАРНИКИ!

**Жорий йилда Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида спорт гимнастикаси бўйича чемпионликни қўлга киритдим.**

## Интилиш

Беллашувда иштирок этган тенгқурларимизнинг бари ўз кучига ишонган, спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган, бир неча мусобақаларда муваффақият қозонган ўқувчилар бўлганлиги боис, очиғи, дилимда бир оз ҳадик ҳам йўқ эмасди. Президентимиз биз, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табрикларида айтганларидек, бу дунёда қайси соҳада бўлмасин, бирон бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмайди. Спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат керак. Бизга ана шу қанотбахш сўзлар, Юртбошимизнинг, ота-онамиз ва яқинларимизнинг ишончи куч берди, қизғин курашларда енгилмасликка ундади.

Беллашувнинг финал босқичида 1792 нафар иштирокчи спортнинг 12 тури бўйича беллашдик. Мусобақалар ўтказилган спорт мажмуалари муҳташам кошонадан фарқ қилмасди. Гулистонда янгидан бунёд этилган "Алпомиш" спорт мажмуаси, 20 минг ўринли "Ёшлик" марказий стадиони, Болалар спорт мажмуаси, "Динамо" кураш зали ва бошқа кўплаб шундай замонавий спорт иншоотларида куч ва салоҳиятимизни синовдан ўтказдик. Бундай кўркам, муҳташам, энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган спорт кошоналари биз, ёшларнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишимиз учун барпо қилинди. Бу эса ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, ғалаба, ютуқ ва муваффақиятлар бизники бўлиши учун имкониятларимиз етарли эканлигига яққол далилдир. Энг муҳими, қалбимизда ғурур ҳисси бор — бу эса, бизни юксак довонларга чорлайверади!

**Зарифа ҚАҲРАМОНОВА,**
**спорт гимнастикаси бўйича «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари чемпиони.**

**— Қомусий олим Абу Али ибн Сино ўз илмий асарларида мусиқага, унинг руҳий-ҳиссий таъсири масаласига тўхталиб, боланинг мижозини кучайтирмоқ учун икки нарсани — аста-секин тебратиш, мусиқа воситасида ором олдириш, уни аллалаш зарурлигини қайд этган, — дейди Бухоро давлат университетининг мусиқа кафедраси доценти Аҳмад Баҳриев. — "Биринчиси жисмга, иккинчиси эса қалбга мансубдир", дея уқтиради аллома. Бу мусиқанинг бола тарбиясида бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.**

# Мусиқага йўғрилган тарбия

## Анъана

Дарҳақиқат, инсон руҳининг яширин қувватларини "уйғотиб", унга руҳий кўтаринкилик бағишлашда ҳеч нарса мусиқанинг ўрнини боса олмайди. Яхши куй баркамол шеърий матн билан уйғунлашиб, кўнгилларни жунбушга келтиради. Кишида яхшилик, эзгулик хислатларини, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини камол топтиради.

— Дарсга доира ёки рубоб билан кирсам, ўқувчиларимнинг мусиқа фанига бўлган қизиқишлари ўн чандон ошганини сезаман, — дейди Вобкент туманидаги 21-мактаб муаллимаси Зарифа Ражабова. — Соз товуши янграганида, синф сув қуйгандек жимжит бўлиб қолади. Мусиқа болаларга қувонч улашади. Она юртни, Ватанни севишга ўргатади...

— Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Президенти томонидан "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарор қабул қилинганни айни муддао бўлди, — дейди Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Эшпўлат Ортиқов. — Шу қарорга мувофиқ, коллежимиз учун замонавий ўқув биноси ва Шашмақом маркази қурилади.

Шуниси қувончлики, ёшларимизнинг мусиқага меҳри бўлакча. Ҳозир вилоятда фаолият кўрсатаётган элликка яқин бадиий жамоа таркибининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

— Келажак авлодни маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашда миллий мусиқамиз, хусусан, фольклор қўшиқлари ва мақом куйларининг аҳамияти беқиёс, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Ориф Атоев. — Шу боисдан халқ мусиқаси тарғиботига катта эътибор қаратилаяпти. Масалан, академик ва халқ бадиий жамоалари вилоят бўлимида "Бухороча", "Мавриги", "Мақом" ансамбллари, Бухоро санъат коллежи қошида анъанавий созандалик ва хонандалик дасталари ташкил этилган. "Барҳаёт наволар", "Ниҳол", мавригихонлик, мақомхонлик бўйича танловлар ўтказилиб, янги истеъдодлар кашф этилаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Мураббий мусаввир

## Ҳавас

Дилафрўз бошқача... Унинг орзулари, ўйлари, тасаввури ўзгача. Хаёлот оламида сайр этиб юриб, дилида эзгу, соф, меҳру муҳаббатга йўғрилган покиза туйғуларга ошуфталик туяди. Сўнг бу ҳисларни ёрқин бўёқлар воситасида иштиёқ ила жонлантиради. Мусаввирнинг ижодий ишларида она-юртимизнинг бетакрор табиати, меҳр-оқибатли халқимизга хос инсонийлик, яратувчанлик хислатлари тараннум этилган.

— Рассомликка даъвоим йўқ, аслида, — дейди Дилафрўз Эшчанова камтарлик ила. — Урганч ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ёшларга маънавият асослари ҳамда эстетика фанларидан сабоқ бераман. Шу билан бирга, тасвирий санъат борасида, озми-кўпми, билганларимни укаю сингилларимга ўргатсам, дейман. Яқинда коллеж ўқувчилари учун рассомлик тўгарагини ташкил этдик. Бу ерда санъатга ихлосманд ёшлар билан биргаликда тасвирий санъат, мода ва дизайн бўйича машғулотлар олиб бораяпмиз.

Ёш муаллима ўғил-қизлар онгига эзгуликка интилиш, мақсад сари дадил одимлаш, қалб гўзаллигини эъзозлаш сингари нозикдид ижодкорга хос фазилатларни сингдирмоқда. Ҳалигина айтганимиздек, Дилафрўз Эшчанова гўзаллик ва яхшиликни қуруқ сўздагина эмас, амалда — ўз асарларида тараннум этади. Мусаввирнинг покиза ҳисларига ошно ижод намуналари мудом инсонийликдан, эзгуликдан, софликдан сўз очиб тургач, ёш йигит-қизлар ундан ўрнак олишига ишонмаслик мумкинми?..

**Шарқия ЭШЖОНОВА.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 02.00
1 2 3 4 5 6 7 9